



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Ғофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ғолипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Ўктамжон Абдуллаев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР).....	4
2. Собир Абдуназаров ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	10
3. Валишер Абиров, Исмоиддин Мамаюсупов ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР.....	22
4. Акмал Базарбаев ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР).....	33
5. Ойбек Исаев СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й).....	40
6. Гулмира Каттаева ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ.....	46
7. Nargiza Karimova ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA VA’ZI MASALALAR.....	54
8. Дадахон Норқўзиёв МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	60
9. Мафтуна Рўзикулова МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	64
10. Махмуджон Солиев ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА.....	72
11. Наргиза Ҳасанова ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ.....	76
12. Махпурат Хуббалиева БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁҲАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР.....	85

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Акмал Базарбаев,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
ЎЗР ФА Тарих институти,

ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР)

For citation: Akmal Bazarbaev, LAND POLICY OF THE COLONIAL ADMINISTRATION IN TURKESTAN (1867-1900). Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.33-39

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-4>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф Туркистонда 1867-1900 йилларда мустамлака маъмуриятининг ер муносабатларига доир қарашлари очиқ берилган. Шунингдек, муаллиф мазкур йилларда ердан фойдаланишга доир низомлар ишлаб чиқиш жараёнларини таҳлил қилган. Шу боисдан мазкур масала шу кунгача чоп этилган илмий тадқиқотларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Туркистон, ер эгалиги, ердан фойдаланиш, низом, хусусий ерлар, давлат ерлари, мулк, комиссия.

Акмал Базарбаев,

Доктор философских наук по истории (PhD),
Институт истории Академии наук Узбекистана,

ЗЕМЕЛЬНАЯ ПОЛИТИКА КОЛОНИАЛЬНОЙ АДМИНИСТРАЦИИ В ТУРКЕСТАНЕ (1867-1900)

АННОТАЦИЯ

В статье автор раскрывает взгляды колониальной администрации на земельные отношения в Туркестане в 1867-1900 гг. Автор также анализирует процесс разработки норм землепользования в краю. Этот аспект проблемы может служить дополнительным материалом для научных исследований, опубликованных на сегодняшний день.

Ключевые слова: Туркестан, владение землей, землепользование, положение, частные земли, государственные земли, имущество, комиссия.

Akmal Bazarbaev,

Doctor of Philosophy in Historical Sciences,
Institute of History,

LAND POLICY OF THE COLONIAL ADMINISTRATION IN TURKESTAN (1867-1900)

ABSTRACT

In this article, the author shows the views of the colonial administration on land relations in Turkestan in 1867-1900. The author also analyzes the process of developing regulations on land use in these years. This aspect of the issue serves as additional material for scientific research published to date.

Index Terms: Turkestan, land ownership, land use, statute, private lands, state lands.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Жумладан, 70 фоиз жаҳон аҳолисининг даромад манбаи аграр тармоқ билан боғлиқ. Аҳолининг мазкур соҳада иш билан таъминланиши миллий даромаднинг ошишига ва аҳолининг яшаш даражасининг ривожланишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, аграр соҳа ривожланаётган мамлакатларнинг асосий иқтисодий даромади ҳисобланиб, мамлакат экспортининг катта қисмини ташкил этади. Ҳозирги кунда аграр тармоқнинг тез суръатларда ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ижобий муҳит яратмоқда [1]. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг «Ҳаракатлар стратегияси» да иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш каби» масалалар белгилаб қўйилган [2]. Мазкур вазифаларни бажариш учун ўтмишда ердан фойдаланишда катта ўрин тутган илғор анъаналарни ўрганиш ва улардан унумли фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда аграр соҳанинг аҳамияти ошиб бораётган бугунги кунда аграр тармоқ истиқболлари билан бир қаторда, унинг тарихий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Ер муносабатлари истиқболлини режалаштиришда уларнинг тарихий хусусиятларини аниқлаш ва англаб етиш зарурияти мазкур тадқиқотни амалга оширишни тақозо этади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақола умум қабул қилинган тарихий тадқиқот усуллари -тарихийлик, қиёсий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. Ер муносабатларига доир тарихий жараёнлар ҳар доим тарихичи олимларнинг эътиборида бўлиб, бу бўйича бир қанча илмий ишлар нашр этилган. Хусусан, М.Юлдошев “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида жўйбар шайхлари архив ҳужжатлари асосида Ўрта Осиёда мавжуд бўлган ер эгаллиги турлари хусусида мақола чоп этади [3].Ердан фойдаланиш ва ер эгаллигига доир масалаларни аграр соҳанинг бир тармоғи сифатида тадқиқ этган адабиётлар кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, А.И.Шахназаров ва Н.М.Вирский томонидан яратилган ишлар ер-сув муносабатларини тадқиқ этган бўлиб, улар ўзининг аграр соҳага доир маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради [4]. А.Курсиш, А.П.Купласт ва В.Ф.Караваяев асосан Туркистонда ерларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида фикр юритади [5].

А.Юлдошев Туркистондаги аграр муносабатларга доир тадқиқот олиб борган бўлиб, у бу ишда ер муносабатларини ўз ичига олган айрим лойиҳаларда аграр муносабатларга доир бандларни таҳлил қилади [6]. Туркистон ўлкасини бошқаришга доир низомларда ер ва аграр муносабатларни ифодаловчи бандларида ер муносабатларига боғлиқ айрим терминлар учрайди. Муаллифнинг бу терминлар қандай маънода қўлланилганига доир мулоҳазалари Чор Россиясининг маҳаллий ер муносабатларига оид қарашларини изоҳлайди. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар қаторига Шукурова Л. [7] ҳамда Савицкий А. [8] томонидан яратилган ишларни ҳам қўшиш мумкин. Бундан ташқари, бир қанча хорижий тадқиқотчилар ер муносабатларига оид илмий ишлар нашр этган бўлиб, улар Туркистондаги ердан фойдаланиш тизимини тушунишда муҳим аҳамият касб этади [9].

3. Тадқиқот натижалари:

Россия империяси Туркистонни эгаллагандан сўнг ўлкадаги аграр ва ер муносабатларини ўзининг манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қилди. Шу сабабли

дастлабки йилларданок маҳаллий аҳолининг ерга эгалик ва ундан фойдаланиш тартибларини ўрганишни бошлади. Буни амалга ошириш учун махсус комиссиялар тузилди ва ушбу комиссиялар ер муносабатларига доир янги тартиблар бўйича таклифларини бериб борди. Бошқа томондан, Россия империясининг губернияларни бошқариш учун қонунлар тўплами мавжуд бўлган. Бироқ Туркистонни бу қонунлар асосида бошқариш маъқул кўрилмади. “Агар мавжуд қонунлар юзасидан Туркистонни идора қилганларида асл мақсадларига етолмасдилар. Ва шу боис Туркистон масаласида янгича қонун ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий қилдилар” [10].

Ер муносабатларини ўзгартиришга дастлабки уринишлар Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман томонидан бошланди. Жумладан, у 1867 йил 1 сентябрдаги ўлкани бошқариш тўғрисидаги дастлабки лойиҳада ер муносабатларига Туркистон ўлкасидаги маълум бир шахс томонидан фойдаланаётган ерлардан ташқари барча ерларни давлат ерлари деб эълон қилиш, вақф ерларини ким фойдаланётган бўлса ўшанинг измида қолдириш, лекин шу билан биргаликда уларни давлат фойдасига мусодара қилишга ижозат бериш кўзда тутилади. Шунингдек, барча мулк ерларни солиқ солиш орқали одатий ер эгалиги шаклига ўтказиш каби ўзгаришларни киритиш таклиф этилади [11]. 1868 йил 3 январда эса К.П.Кауфман ҳарбий комитет аъзоси М.Н.Николаевга хат ёзиб, ундан Туркистон маҳаллий аҳолисининг ерга эгалик турларини аниқлаш ва ўрганишни сўрайди. М.Н.Николаев бу хатга жавобан ўзининг таклифларини билдиради. Унинг таклифлари ҳудуддаги ер эгалиги ва ундан фойдаланиш тартибларига ўзгартириш киритишни назарда тутган. Жумладан, унинг таклифларининг қисқача маъноси куйидагилардан иборат эди:

- Кўлида ерга эгалик қилишни тасдиқловчи ҳужжати бор мулк ерларидан ташқари барча ерларни давлат ерларига ўтказиш;
- Ер аввал ким томонидан фойдаланган бўлса, ўшанинг тасарруфида қолдириш;
- Давлат ерларидан фойдаланувчи ҳар бир шахс солиқ тўлаши лозим;
- Мулк ҳуқуқида бўлган барча ерларда амир ёки хоннинг муҳри туширилган ҳужжат бўлиши лозим. Лекин шу билан биргаликда агар ушбу ҳужжатнинг нусхаси амир ёки хоннинг архивида бўлиши керак бўлган. Агар ҳужжат нусхаси архивда бўлмаса, ушбу ерни амлок, яъни давлат ерига ўтказиш;
- Хирож ёки таноб солиғидан фақатгина мустамлака маъмуриятининг вилоят бошқармаси томонидан берилган ҳужжатга эга ерлар озод қилиниши;
- Хирож ва таноб солиқларини пул солиғига алмаштириш [12].

Кейинчалик Туркистонда ерга эгалик турларини ўрганишни В.Комаров ва А.Л.Кун давом эттиради. Натижада М.Н.Николаев, В.Комаров ва А.Л.Кун ўлкадаги ердан фойдаланиш ва ер эгалиги шаклларини ўрганиш учун махсус комиссия тузиш, жойларнинг ўзида фаолият олиб бориш кераклигини таклиф қилади [13]. Ушбу таклифга биноан, 1873 йил махсус комиссия тузилади ва бу комиссия “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низом лойиҳасини ишлаб чиқади. Комиссия ерни маҳаллий аҳолига хусусий мулк сифатида эмас, балки доимий фойдаланишга бериш керак деган хулосага келади [14]. Бошқача айтганда, барча ерлар давлатга тегишли бўлиши ва ушбу ерлар фақатгина аҳолига фойдаланиш учун берилиши керак эди [15]. Ф. Гирс К.П.Кауфманнинг ерга доир қарашларини шарҳларкан, 1873 йилги Низом лойиҳасида К.П.Кауфман мулк ерларини солиқ олинадиган амлок ерларига ўтказишга киришди ҳамда мулкдорларнинг ерга боғлиқ шикоятлари қонун асосида кўриб чиқилишини эълон қилди, деб ёзади [16].

Бироқ бу даврда Туркистонда ер муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳеч қандай қонун ишлаб чиқилмаган эди. 1873 йилги Низом лойиҳаси тўғрисида К.П.Кауфманнинг ўзи ҳам фикр билдираркан, “чоралар маҳаллий деҳқон аҳолисидан олинадиган солиқни бошқачароқ шаклда оширишни кўзда тутган бўлиб, амалда у аввалги хирож миқдорига қадар етказилган” деб айтиб ўтади [17]. Шунингдек, у қозилик судлари ҳал эта олмаган ер масалалари устидаги келишмовчиликларни кўриб чиқишда амалда ерга ким эга эканлигини назарда тутилиши кераклиги тўғрисида фармойиш чиқаради [18].

К.П.Кауфман вафот этгандан сўнг Петербургдаги маъмурият Туркистон ўлкасидаги аграр ва ер муносабатларини махсус ревизиялар юбориш орқали ўрганишга, шу асосда махсус тартиб ишлаб чиқишни мақсад қилади. Булардан бири 1882-1883 йилларда сенатор Ф.Гирс томонидан раҳбарлик қилинган ревизия комиссияси эди. Ушбу ревизия таркибида Россия империясининг Ички ишлар вазирлигидан Н.Галдинский, Молия вазирлигидан Н.Петровский, С.Езучевский ҳамда Адлия вазирлигидан А. Дитловлар ҳам бўлган [19]. Ф.Гирс фақатгина ўлканинг бошқарув тизими, суд, молия каби масалалар билан чегараланиб қолмасдан, балки ер-солиқ тизимига ҳам эътибор қаратиши керак эди. Жумладан, ушбу ревизияга ўлкада солиқ тизимини, ер мулкларидан солиқни ундириш усуллари ва маъмурият ерга нисбатан аҳолининг юридик ҳуқуқини аниқлашга тўғри киришганми ёки йўқми ҳамда ер солиқлари миқдорини аниқлаш каби вазифалар юклатилган [20].

Ф.Гирс ўзидан аввал Туркистондаги ер-сув муносабатларини ўрганган комиссия ишларини танқид қилади. Шу билан биргаликда, Ф.Гирс аввалги комиссиялар ўлкада аграр ва ер муносабатлари нима ёки қандай тартиб асосида ишлаганлигига шарҳлар кўрсата олмайди дейди. У фикрида давом этиб, аввалги комиссиялар шариатга оид китоблардан ҳаволалар келтиради, амалда эса ер муносабатларида шариатга доир китоблардан фойдаланилмаган деган хулоса беради. Шу сабабли ревизия комиссияси ер масалаларига боғлиқ ер актлари, вақф ҳужжатлари ёки қозилик судлари ҳукмлари мулк ҳуқуқи тўғрисида ёзилган бошқа адабиётларга қараганда кўпроқ фойдаси тегади, деб ҳисоблаган. Бироқ ушбу ҳужжатлардаги материалларни тушуниш ревизия комиссияси аъзоларига қийинчилик туғдирган. Шуларни инобатга олган ҳолда ревизия ер эгалик турлари ва ер билан боғлиқ бошқа масалаларни жойларнинг ўзида ўрганган маъқул деган қарорга келади [21]. Бундан ташқари, комиссия ер масалаларига нотўғри муносабатда бўлиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳамда оқибатда бу маҳаллий аҳолининг империя маъмуриятига ишончини сусайтириши мумкинлигини таъкидлайди [22].

Ушбу комиссия ўлкадаги мулк ерлари тўғрисида ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради. 1882 йилгача маҳаллий аҳолининг кўпчилиги ўз мулк ерларини қайтаришини сўраб ариза ёзган. Ревизия мулк ерларини тиклаш тўғрисидаги фикрни қўллаб қувватлайди. Комиссия аъзоларининг ҳаммаси шундай фикр билдирадигани, бир томондан мулк ҳуқуқини йўқ қилиш одилона иш эмас, бошқа томондан мулк эгалари иқтисодий ва ижтимоий жихатдан катта ҳуқуққа эга бўлиб қолади ва улар бу ҳуқуқларни суистеъмол қилиши мумкин. Шу сабабли мулк ерларидан фойдаланишни биров ўзгартирган ҳолда муомилага киритиш таклиф этилади. Унга кўра, мулк ерларини ундан фойланаётган шахсларга қолдириш керак, фақатгина улар давлатга ер солиғини тўлаш ва бошқа мажбуриятларни бажариш керак, лекин аввалгидек маълум бир мулкдорларга ер учун солиқ тўламаслиги керак эди [23].

Бу комиссия ўлкадаги ер муносабатларини ўрганган охириги комиссия эмас эди. 1884 йил 21 январда юқори амалдорлардан ташкил топган махсус комиссия тузилади. Комиссия бошлиғи этиб генерал-адъютант граф Н.Игнатъев тайинланади. Шунингдек, ушбу комиссия таркибида Ф.Гирс, А.Абрамов, А.Куропаткин, А.Кун каби ўлкада хизмат қилган шахслар ҳам бор эди. Ушбу комиссия олдида маҳаллий шарт-шароитларга ва аҳолининг эҳтиёжига мос фуқаролик бошқарувини ишлаб чиқиш ва аниқлаш вазифаси қўйилган. Ушбу бошқарув тизими ўлканинг Россия империясига қарамлигини кучайтириши, бошқарувда давлат харажатларини камайтириш, аксинча давлатнинг киримларини оширишни кўзда тутиши керак эди [24]. Комиссия барча материалларни ўрганиб чиқиши ва Туркистон тўғрисида яқуний низомни ишлаб чиқиши зарур эди [25]. Тадқиқотчи А.П.Савицкий ушбу комиссия ишини баҳолаб экан, Туркистон аҳолисининг асосий қисми яйловларда чорваларини боқадиган чорвадорлар ва шудгор ерларда деҳқончилик қиладиган деҳқонлардан иборат бўлганлиги, маҳаллий аҳолининг хўжалиги ер билан боғлиқ эканлиги ҳамда шу сабабли комиссия Туркистон ўлкаси учун ер масаласини тўғри қўйиш ва уни тўғри ечиш ўлка аҳолиси учун ҳаётий аҳамият касб этишини тушунишган деб таъкидлайди [26].

Бу комиссия таркибида ҳам бўлган Ф.Гирс ўтроқ аҳолининг яшаган ерини давлат ери деб эълон қилиш сиёсий алоқаларда хавф туғдиради дейди. Ф.Гирс ва комиссиянинг бошқа

аъзолари ўртасидаги кейинги тортишув “ўлик” (ишлов берилмаган) ерларни хусусий мулкка айлантириш тўғрисида борган. Маҳаллий аҳолининг ердан фойдаланиш тартибига кўра “ўлик” ер ишлов берилиши натижасида уламнинг розилиги билан хусусий мулкка айлантирилган. Ф. Гирс бу тартибни сақлаб қолишни маслаҳат беради. Бироқ комиссия аъзоларининг 20 нафардан 16 нафари мазкур жараён хусусий мулкнинг янги шаклини келтириб чиқаришини таъкидлаб, ўлкада ерга нисбатан тўлиқ хусусий мулкни жорий қилишга қарши овоз беради [27].

Бир қанча тортишувлардан сўнг 1886 йилда “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низом тасдиқланади ҳамда ушбу Низом ўлкада ер-сув муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳужжатга айланади. Жумладан, Низомнинг учинчи бўлими ер муносабатларига бағишланган бўлиб, унда шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида ердан фойдаланиш ҳамда унга эгалик қилиш тартиблари бандларга бўлинган ҳолда кўрсатиб ўтилган. Кейинги йиллар давомида 1886 йилги Низомнинг ер муносабатларига оид бандларига бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 1900 йили 10 июнда “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги навбатдаги Низом ишлаб чиқилди. 1886 йилги Низомда Туркистон ўлкасининг Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоят аҳолиси фақатгина суғориладиган ерларга авлоддан авлодга ўтиш орқали эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши кўрсатиб ўтилган бўлса, 1900 йилги низомда суғориладиган ерлар билан бир қаторда лалмикор ҳамда “ўлик” ерларга ҳам маҳаллий аҳоли эгалик қилиши ва ундан фойдаланиши мумкинлиги айтиб ўтилган [28].

Бу эса лалмикор ердан фойдаланувчилар ер унга тегишли эканлигини кўрсатувчи ҳужжат қилиши ва ушбу ер учун солиқ тўлашга тўғри келган. Бошқа томондан ушбу ўзгартириш мустамлака маъмурияти амалга оширган сиёсатнинг айрим жиҳатларига зарарли ҳисобланган ва шу боис у Россия империяси даврининг айрим тадқиқотчилари томонидан танқидга учраган. С.Понятовский мустамлака маъмурияти хусусий мулкка қарши курашаётган бир вақтда ушбу тартиб Туркистонда маҳаллий аҳоли ўша ерлардан хусусий мулк тарзида фойдаланишга имкон яратди деб танқид қилади. Унинг фикрига кўра, маҳаллий аҳоли мустамлака даврида хонликлар давридагидан юз марта кўп ер майдонларидан фойдаланаётган бўлган. Бу ерлар шариат бўйича ҳеч қачон маҳаллий аҳолига тегишли бўлмаган, балки мусулмон тартибларига кўра бу турдаги ерлар давлат тасарруфида бўлган. Лалмикор ва ишлов берилмаган ерларга солиқ тўлаш орқали фойдаланишга имкон яратилиши натижасида маҳаллий аҳоли бўш ерларни бўлиб ола бошлаган ва бу Россия империясининг аграр сиёсатига мос тушмаган [29].

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мавжуд аграр муносабатлар мустамлака маъмуриятининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларига тўғри келмаганлиги сабабли Россия империяси Туркистонни эгаллаганининг дастлабки йиллариданоқ аграр соҳада ўзгаришлар қилишга уринди. Ер ва сувдан фойдаланиш шариат асосида ишлаганлиги сабабли мустамлака маъмурияти ўзларининг аграр ислоҳатларини амалиётга жорий қилишга шошилмадилар. Дастлаб ҳудуддаги мавжуд ер-сув муносабатлари ўрганилиб чиқилган ҳамда мазкур ишларни амалга ошириш учун махсус комиссиялар тузилган.

Аграр муносабатлар тадқиқи натижасида олинган хулосалар ушбу комиссиялар томонидан таклифлар сифатида мустамлака маъмуриятига бериб борилган. Бироқ бу таклифларни амалиётга жорий этиш масаласига келганда Тошкентдаги мустамлака маъмурияти ва Санкт-Петербургдаги империя ҳукумати ўртасида тушунмовчиликлар юзага кела бошлади. Фақатгина 1886 йилга келибгина “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низом амалиётга татбиқ этилди ҳамда унда Туркистондаги ер ва сувдан фойдаланиш бўйича алоҳида бўлим мавжуд бўлган. Бу Низомга кейинчалик бир қанча ўзгаришлар киритилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур ўзгаришларнинг аксарияти аграр соҳага тегишли бандлари билан содир бўлган эди. Бу эса Россия империясининг Туркистондаги аграр соҳада ўзининг қатъий йўналиши бўлмасдан, балки унинг мақсадлари вақти-вақти билан ўзгариб турганлигини кўрсатди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

- [1] <http://agriculturegoods.com/the-importance-of-agriculture/>.
- [2] Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on “Uzbekistan’s Development Strategy for 2017-2021” http://lex.uz/pages/getpage.aspx?Lact_id=3107036.
- [3] Yuldashev M. On the history of land ownership in Central Asia of the XVI - XVII centuries. // Social sciences in Uzbekistan. 1964. № 3, p. 61-67
- [4] Shaxnazarov A. Agriculture in Turkestan.–Saint-Petersburg, 1908. – 512 p.; Virskiy N. Essays on the Yangi-Kurgan volost of Jizzakh district of Samarkand region // Reference book of Samarkand region. Part 10.– Samarkand, 1912. – p.1-67.
- [5] Kursish A. Hungry steppe. Essay on irrigation of its north-eastern part.. –Saint-Petersburg, 1913. – 70 p.; Kuplast A. Irrigated lands in the Hungry Steppe. – Poltova, 1914. – 70 p.; Karavayev V. The Hungry Steppe in its past and present. Statistical and economic essay. – Saint-Petersburg, 1914. – 253 p.
- [6] Yuldashev A. Agricultural relations in Turkestan (late XIX - early XX centuries). Tashkent, 1969. 255 p.
- [7] Shukurova L. On the land-tax policy of Tsarism in Turkestan in 1960s-1980s // Social Sciences in Uzbekistan. – 1961. – № 9. P. 26-32.
- [8] Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. 207 p.
- [9] Williams D.S.M. Land reform in Turkestan // The Slavonic and East European review. Vol. 51, No.124. – Jul. 1973. P. 428-438; Penati B. Swamps, sorghum and saxauls: marginal lands and the fate of Russian Turkestan (1880-1915) // Central Asian Survey. Vol. 29, No. 1. – 2010. P. 61-78.
- [10] Mirza Kukandboy Abdukholiqzoda Samarqandi. The Jizzakh uprising (A look at the history of the 1916Jizzakh uprising). –Jizzakh:Sangzar, 2009. – P.9.
- [11] Yuldashev A. Agricultural relations in Turkestan (late XIX - early XX centuries). Tashkent, 1969.P.27-28.
- [12] Yuldashev A. Agricultural relations in Turkestan (late XIX - early XX centuries). Tashkent, 1969. - P.21.
- [13] Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. – P.14-15.
- [14] Yuldashev A. Agricultural relations in Turkestan (late XIX - early XX centuries). Tashkent, 1969. – P.31.
- [15] Shukurova L. On the land-tax policy of Tsarism in Turkestan in 1960s-1980s // Social Sciences in Uzbekistan. – 1961. – № 9. – P.28.
- [16] Yuldashev A. Agricultural relations in Turkestan (late XIX - early XX centuries). Tashkent, 1969. – P. 49.
- [17] Shukurova L. On the land-tax policy of Tsarism in Turkestan in 1960s-1980s // Social Sciences in Uzbekistan. – 1961. – № 9. – P.31.
- [18] Shukurova L. On the land-tax policy of Tsarism in Turkestan in 1960s-1980s // Social Sciences in Uzbekistan. – 1961. – № 9. – P.29.
- [19] Girs F. Report of the revising, at the highest command, Turkestan Territory, secret adviser to Girs. –Saint – Petersburg, 1872. – P. 463.
- [20] Girs F. Report of the revising, at the highest command, Turkestan Territory, secret adviser to Girs. –Saint – Petersburg, 1872. – P. 343.
- [21] Girs F. Report of the revising, at the highest command, Turkestan Territory, secret adviser to Girs. –Saint – Petersburg, 1872. – P. 345; Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. – P.117.
- [22] Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. – P.119.
- [23] Girs F. Report of the revising, at the highest command, Turkestan Territory, secret adviser to Girs. –Saint – Petersburg, 1872. – P. 345; Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. – P.122.
- [24] Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. – P.130.
- [25] Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. – P.131.

- [26] Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. – P.131.
- [27] Savitskiy A. Land issue in Turkestan. – Tashkent, 1963. – P. 134.
- [28] Yuldashev A. Agricultural relations in Turkestan (late XIX - early XX centuries). Tashkent, 1969. – P.58; Agricultural review of the Turkestan region. – Tashkent, 1911. – P.27.
- [29] Ponyatovskiy S. On the colonization capacity of Turkestan.Migrant parties and their tasks.// The Agriculture of Turkestan. – 1906. – № 10. – P.4.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000